




ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни Корея Республикаси парламентининг Миллий Ассамблея Спикери Пак Бён Сок бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.



Делегация таркибида мамлакатимизга спикердан ташқари Жанубий Корея парламентининг давлат бошқаруви, молиявий сиёсат, саноат, савдо, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, экология, соғлиқни сақлаш, меҳнат муносабатлари, маданият, спорт ва туризм каби устувор йўналишлар бўйича кўмиталарига аъзо 6 нафар депутат ҳам келган.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасидаги дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашда парламентлар муҳим ўрин тутаётгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари фаол алмашинувлар давом этаётгани, кенг қўламли Ўзбекистон — Корея ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди. Жорий йил бошида икки мамлакат етакчилари

рининг онлайн-саммити муваффақиятли ўтказилди.

Пак Бён Сок самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Президентига Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг салом ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда глобал иқтисодий вазият мурраккаб бўлиб турган бир пайтда ўзаро савдо ҳажми сақлаб қолганига эришилаётгани таъкидланди. Кореянинг етакчи компания ва банклари иштирокида умумий қиймати 3 миллиард доллардан зиёд янги инвестиция лойиҳалари тайёрланди. Умуман, Корея Республикасининг мамлакатимизга инвестициялари ҳажми 7 миллиард доллардан ошди.

Ўзбекистонда коронавирус пандемиясига қарши курашда корейлик шериклар томонидан катта амалий кўмак кўрсатилгани учун миннатдорлик билдирилди.

Миллий Ассамблея Спикери ва депутатлари мамлакатларимиз ўртасидаги қўл қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатлар учун, шунингдек, Сеулнинг Корея ярим оролидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ҳаракатлари, Янги шимолий сиёсатни амалга ошириш доирасидаги минтақавий ташаббуслари қатъий қўллаб-қувватланаётгани учун Ўзбекистон Президентига самимий ташаккур изҳор этдилар.

“Корея Республикаси — Марказий Осиё” ҳамкорлик форуми доирасидаги яқин мулоқотни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Соғлиқни сақлаш, таълим, илм-фан ва маданият, гуманитар алмашинув соҳаларидаги кўшма дастурларни амалга ошириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ МИЛЛИЙ АНТИДОПИНГ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Спортда допинг қўлланилишининг олдини олиш ва допингга қарши курашиш соҳасида ягона давлат сиёсатини самарали амалга ошириш, Спортда допингга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция, Бутунжаҳон антидопинг кодекси ва бошқа халқаро антидопинг стандартлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг тавсия ва таклифларини инобатга олиб:

1. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитасининг:

Агентлик бошқарув ходимларининг чекланган сонини **2 бараварга кўпайтириш**;

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра, Агентлик ходимларининг лавозим маошларини белгилашда **тариф коэффициентларини 1,5 баравар миқдорда кўллаш**;

Агентлик бош директорини мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва тиббий хизмат кўрсатиш шартларига кўра, **вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштириш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллий антидопинг агентлигининг янги-

ланган тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Агентлик бош директорини Агентликнинг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Агентлик (Н.Турсунов):

а) Бутунжаҳон допингга қарши агентлигининг талабларидан келиб чиқиб бир ой муддатда: таъкидланган моддалардан фойдаланиш борасида спортчиларнинг ариза ва ҳужжатларини ўрганиб, хулоса чиқариш билан шуғулланадиган **Терапевтик истисно бўйича комиссия**;

антидопинг қоидалари бузилиши ҳолатларини ўрганиб, қарор чиқариш билан шуғулланадиган **Ахлоқ бўйича комиссия**;

Терапевтик истисно бўйича комиссия хулосаси ва Ахлоқ бўйича комиссия қароридан норози томоннинг аризасини ўрганиб, қарор чиқариш билан шуғулланадиган **Апелляция бўйича комиссия** фаолиятларини самарали ташкил қилсин, уларни малакали мутахас-

сислар билан тўлдириш чораларини кўрсин;

б) икки ҳафта муддатда ушбу қарорнинг мазмун-моҳиятини Бутунжаҳон допингга қарши агентлигига етказиш чораларини кўрсин.

4. Молия вазирлиги (Т.Ишметов):

Агентлик марказий аппарати учун **2 та** махсус автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлаш учун лимит ажратсин;

ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Агентлик харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва **2022 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин**.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Агентликни зарур шарт-шароитларга эга бўлган бинога жойлаштириш чораларини кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТУРИЗМ, СПОРТ ВА МАДАНИЙ МЕРОС СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада туризм ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, инфратузилмани яхшилаш, туризм соҳаюхияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали туристлар саёҳати учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, яратилган имкониятларга қарамадан туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларини ривожлантириш борасидаги ишлар талаб даражасида ташкил этилмаган, рақамлаштириш ва давлат-хусусий шериклик, шу жумладан, хусусий секторнинг ушбу йўналишлардаги ролини ошириш бўйича ўз ечимини топмаган масалалар мавжуд.

Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси негизда **Туризм ва спорт вазирлиги**;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг тегишли ҳудудий бўлимлари негизда Туризм ва спорт вазирлигининг **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлимлари** ташкил этилсин.

Туризм ва спорт вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Туризм ва спорт вазирлиги туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи **давлат бошқаруви органи** ҳисобланади;

Туризм ва спорт вазирлиги ўз ваколатлари доирасида умуммажбурий бўлган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақли**;

давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек, республиканинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари Туризм ва спорт вазирлигининг **мувожазати**га кўра, тегишли маълумотларни ўрнатилган тартибда тақдим этади;

туризм, жисмоний тарбия, спорт ва маданий мерос масалаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар **лойиҳалари** мажбурий тартибда Туризм ва спорт вазирлиги билан **келишилади**.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб куйидагилар белгилансин:

а) **туризм соҳасида:**

туризм объектларини **давлат-хусусий шериклик** асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий **ахборот технологияларини** жорий этиш;

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ — 6199-сон Фармонида мувофиқ:

1. Куйидагилар:

Туризм ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппаратининг бошқарув ходимлари чекланган сони 156 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маданият вазирлигининг моддий маданий мерос соҳасидаги ЮНЕСКО билан ишлаш ҳамда музейлар ва кутубхоналарни ривожлантириш билан боғлиқ вазифа ва функциялари тегишлилигича **Туризм ва спорт вазирлиги** ҳамда **Маданий мерос агентлигига ўтказилсин**.

3. Туризм ва спорт вазирлигининг ҳудудий бўлимлари бошқарув ходимларининг чекланган сони **980 нафар** этиб белгилансин.

4. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазирлиги:

Давоми 3-бетда

■ ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

“ИЖРО ИНТИЗОМИ” — ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА МУҲИМ ВАЗИФА

Шахсий масъулият, темир интизом, касбий ғурур ва профессионал маҳорат — ижро интизомининг мустаҳкам пойдеворидир



Шерзод КУДБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ кўмитаси раиси

Бугунги кунда барча давлат органлари ва ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳурматли Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ижро этувчи органларнинг **трансформацияси** жараёнларининг бевосита иштирокчиларидир.

Соҳалардаги тарихий ўзгаришлар ва туб ислохотларнинг замирида муҳтарам Президентимиз-

нинг, “Одамлар эртага эмас, бугун яхши яшаш керак”, деган сўзлари муҳассама.

Ушбу мақсадда ижро этувчи органларнинг **барча инсон ва молиявий ресурслари мобилизация қилиниб**, давлат бошқаруви тизимига “**маҳаллабай**” ва “**мижозбай**” ишлаш сингари янги тамойиллар киритилди. Бундан асосий мақсад **аҳоли ва тadbиркорлик субъектларининг муаммоларини хал қилиш**, аҳолининг давлат органлари вакиллари билан **тўғридан-тўғри** мулоқот қилиш имкониятини яратишдан иборат.

Амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва кўзланган мақсадларга эришишда бевосита ҳар бир ташкилотда **мустаҳкам ижро интизомининг йўлга қўйилганлиги** муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг ўз вақтида қабул қилинганлиги давлат идоралари ва ташкилотларида ижро интизомини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТУРИЗМ, СПОРТ ВА МАДАНИЙ МЕРОС СОҲАЛАРИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизнинг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

ички, кириш ва чиқиш туризмни комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

туризм турларини диверсификациялаш, энг аввало, зиёрат туризми, экологик туризм, этно-туризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастро-туризм, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳамда туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг хавфсизлиги ва соғлигини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш;

туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти ошишига ҳар томонлама қўмаклашиш, ушбу соҳага илгор ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

туризм объектларини joyлаштириш учун сақолатли ҳудудларда режалаштириш ва loйihalаштириш ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

туризм фаолияти соҳасида туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга қўмаклашиш;

б) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида: спорт объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокчи таъминлашга қаратилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

вазирликлар ва идораларнинг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг, спорт федерацияларининг (ассоциацияларни) фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари, инструктор ва тренерлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш борасида кенг қўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармоғини янада кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш), тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизimini яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

республикадаги барча вазирлик ва идоралар (жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) учун спорт нормативларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ягона сиёсатни олиб бориш; мамлакатимизда оммавий ва профессионал спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари, экстремал ва қиш спорт турларини ривожлантириш рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобати ва тақиланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар қўришни таъминлаш;

оммавий ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича тақдирлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш; жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этиш;

в) моддий маданий мерос соҳасида: маданий мерос объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

давлат назоратини амалга ошириш ҳамда моддий маданий мерос объектларининг, шу жумладан, музей ашёлари ва коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш, уларни муҳофаза қилиш, илмий тадқиқ этиш ва оммалаштириш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, хусусан, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда ЮНЕСКО ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар тавсияларини самарали бажариш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, олимлар, экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳалларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларини аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш ва уни мунтазам янгилаб боришни ташкил қилиш.

4. Туризмни ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш Туризм, спорт, маданий мерос, транспорт логистикаси ва хизматлар соҳаларида давлат-хусусий шериклик ҳамда рақамлаштиришни ривожлантириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) этиб қайта ташкил

қилинсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Кенгаш туризм, спорт ва маданий мерос объектларининг давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқарилишини ҳамда мазкур соҳаларга замонавий ахборот технологиялари жорий этилишини мувофиқлаштиради.

5. Вазирлар Маҳкамаси:

а) уч ой мuddатда: маданий мерос объектларининг ўзига хос хусусиятини инобатга олиб, уларга ҳар қандай салбий таъсирларнинг олдини олиш, узлуксиз равишда давлат ва илмий-техник назорат олиб боришни назарда тутган ҳолда соҳада давлат-хусусий шерикликни жорий этиш тартибини;

туризм, спорт ва маданий мерос объектлари, шу жумладан, уларнинг ер участкалари, бинолари ёки қисмлари ва хоналарини давлат-хусусий шериклик асосида бериш юзасидан хатловдан ўтказилишини ҳамда унинг натижаларидан келиб чиқиб, ушбу объектларнинг рўйхати (кейинги ўринларда — рўйхат) тасдиқлинишни таъминласин;

б) рўйхатга киритилган ҳар бир объект бўйича давлат-хусусий шериклик лойиҳаси ва унинг концепцияси, битимлари ҳамда тендер ҳужжатларини тайёрласин.

Кенгашга рўйхатга киритилган умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тўғридан-тўғри музокарадан ўтказиш асосида тендер ўтказмасдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузиш юзасидан рухсат бериш ҳуқуқи берилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасида:

Бош вазир ўринбосари — Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси лавозими тугатилсин;

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири лавозими киритилсин;

Спорт ва туризмни ривожлантириш масалалари қотибияти Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари қотибияти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 15 нафар этиб белгилансин. Бунда, қўшимча ажратилаётган 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирига ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг қисқартирилаётган ходимлари сони ҳисобига шакллантирилади;

Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, маънавият ва жамоат ташкилотлари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари қотибияти Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари қотибияти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 нафар этиб белгилансин;

Давлат тилини ривожлантириш департаменти Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти этиб қайта номлансин ва унинг бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 7 нафар этиб белгилансин;

10 та штат бирлигидан иборат Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси ташкил этилсин. Белгилансинки, Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекцияси штат бирликлари Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг 10 та штат бирлигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

7. Маданият вазирига ҳузуридаги Маданий мерос департаменти, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳамда Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази негизини турмушга келтириш ҳақида Маданий мерос агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ташкил этилсин.

Маданият вазирига ҳузуридаги маданият бошқармалари тузилмаларидаги моддий маданий мерос объектларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш бўлиmlари тугатилсин ва уларнинг штат бирликлари тегишлилигича Маданий мерос агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармаларига ўтказилсин.

8. Маданият вазирига тизимидаги давлат музейлари, музей қўриқхоналар ва уй музейлари, моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари ва “Мозийдан садо” журнали мавжуд штат бирликлари ва моддий-техника базаси билан тўлиқ ҳажда, молиялаштириш, меҳнатга ҳақ

тўлаш ва моддий рағбатлантиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Маданий мерос агентлигига ўтказилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки: Маданий мерос агентлиги Маданият вазирига ҳузуридаги Маданий мерос департаменти ва Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

2021 йилда ва келгуси йилларда Маданият вазирига Давлат бюджетидан маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек, археологик ишлар харажатлари учун ажратиладиган маблағлар Туризм ва спорт вазирига ажратилади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектларини асрашга доир ишларни амалга ошириш бўйича Маданий мерос агентлиги буюртмачи ҳисобланади.

10. Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда: Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари қотибияти, Таълим, соғлиқни сақлаш, ёшлар, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари қотибияти, Маънавият ва давлат тилини ривожлантириш масалалари департаменти ҳамда Маданий меросни ҳимоя қилиш инспекциясининг тузилмалари, янгиланган штат жадаллари ҳамда қотибият ва инспекция тўғрисидаги низоmlарни тасдиқласин;

Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири ҳамда Бош вазирнинг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг функцияларини тасдиқласин;

Туризм, спорт, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари қотибиятини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифалар самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

Маданий мерос агентлиги фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

11. Туризм ва спорт вазирига Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирига, Кадастр агентлиги, Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар:

Туризм ва спорт вазирига моддий мерос объектларини қайта тарихий-маданий экспертизадан ўтказиш ҳамда Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари давлат реестри, электрон каталогини, паспорти ва давлат кадастрини тўлиқ шакллантирсин;

12. Транспорт вазирига белгиланган штат бирликлари доирасида вазирига туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилсин.

13. Белгилансинки, транспорт вазирининг туризм соҳасида транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси: Кенгашнинг тақдимномасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади;

ўз фаолияти даврида амалга оширган ишлари юзасидан ҳар ойда Кенгашга ҳисобот бериб боради.

14. Белгилаб қўйилсинки: моддий маданий мерос объектларининг ўзгартирилиши мумкин бўлмаган ўзига хос хусусиятларини ва унинг тарихий муҳитини сақлаб қолиш мақсадида унга туташ ҳудуддаги муҳофаза теграла-рида капта қурилиш ишларини ҳамда уларга зарар етказиш билан боғлиқ фаолиятни; рухсатнома олмасдан туриб, моддий маданий

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

мероснинг кўчмас мулк объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузишти, таъмирлаш, ҳозирги замонда фойдаланишга мослаштириш, шунингдек, улар билан боғлиқ илмий ва илмий-техник тадқиқотлар, лойиҳалаш ҳамда ишлаб чиқариш ишларини амалга ошириш тақвирлади.

15. Туризм ва спорт вазирига, Фанлар академияси, Қурилиш вазирига, Кадастр агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

а) икки ой мuddатда молиялаштириш манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда, маданий мерос объектларини уларнинг муҳофаза теграла-ри бўйлаб ўраб олиш (тўсиб қўйиш) ва ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича тақдирлар ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

б) уч ой мuddатда Бош прокуратура билан биргаликда маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграла-рида ноқонуний қурилган қурилмалар ва бино-иншоотларни бартараф этиш, уларнинг ер майдонларидан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин;

в) 2022 йил 1 январга қадар: тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган кўчмас мулк объектларини ҳар бирининг жойига борган ҳолда аниқлаш, янги объект бўйича тарихий-маданий экспертиза ўтказиш ва уларни давлат муҳофазасига олишни таъминласин;

моддий маданий мерос объектларининг қўриқланадиган теграла-рини, шу жумладан, муҳофаза теграла-ри, иморатлар қуриш ва ҳужалик фаолиятини тартибга солиш теграла-ри, қўриқланадиган табиий ландшафт теграла-рини белгиласин;

халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, маданий мерос, шу жумладан, археология мероси объектлари, маданий бойликларни олиб кириш ва олиб чиқиш, номоддий мерос соҳасига оид қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномалар нормаларини умумлаштириб, тўғридан-тўғри амал қилувчи ягона қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Бош прокуратура ташкилий-штат тузилмасида 3 та штат бирлигидан иборат бўлган маданий мерос соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан, шу жумладан, маданий меросни муҳофаза қилиш, асрашга доир ишлар ва улардан фойдаланишнинг оқилона ташкил этилишини назорат қилиш бўйича тегишли бўлим ташкил этилсин.

Бунда, 3 та штат бирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирига ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлиmlарини ходимлари сонини қисқартириш ҳисобига ажратилади.

17. Туризм ва спорт вазирига Олий ва ўрта махсус таълим вазирига билан биргаликда икки ой мuddатда Жисмоний тарбия ва спорт универси-тетига қабул қилиш талабларини қайта кўриб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тақдир қилсин.

18. Вазирликлар ва идоралар ҳудудларда ишбилармонлик туризмни (МИСЕ-туризм) янада ривожлантириш мақсадида 2021-2022 йилларда ўтказилиши режалаштирилган спорт, маданият, илм-маърифат, иқтисодий, инвестиция ҳамда бошқа йўналишлардаги йирик халқаро тадбирларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиш чораларини кўрсин.

19. Туризм ва спорт вазирига манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

20. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов зиммасига қўйилсин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июль ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ш. МИРЗИЁЕВ

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА



Германия ва Ўзбекистон: катта имкониятга эга шериклик

“Berliner Morgenpost” (“Берлин тонги почтаси”) газетасида Ўзбекистондаги ўзгарилар мазмуни акс этган таҳлилий мақола эълон қилинди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федерал канцлери Ангела Меркелнинг жорий йил 12 март кuni бўлиб ўтган видеоанжумани шаклидаги саммитидан руҳланиб ёзилган мақола, 2016 йил 14 декабрь кuni янги Президент иш бошлагандан буён Ўзбекистонда жуда кўп ўзгаришлар бўлгани билан бошланади.

“Германия ва Ўзбекистон — катта имкониятга эга шериклик” сарлавҳали мақолада “Қайсибир маънода Ўзбекистон ўзини қайта кашф этди. Аниқ мақсадли йўлда амалга оширилаётган ислохотлар барқарорлашди. Мамлакат очилди ва минтақа локомотивига айланмоқда. Бу ривожланиш Германия учун ҳам, Ўзбекистон учун ҳам бирдек манфаатли”, дейди муаллиф.

Мақолада Шавкат Мирзиёевнинг Президент сифатида амалга оширган илк баёнотлари мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро жамоатчиликда ҳам зўр

иштиёқ билан кутиб олингани, ўз навбатида, одамларда “Янги давлат раҳбари Ўзбекистонда туб ислохотлар ва ижобий ўзгаришларни бошлайдими?” деган шубҳа ҳам бўлгани, мамлакатнинг бугунги ёрқин қиёфаси эса бу каби ишончсизликларга буткул барҳам бергани ҳақида баён этилади.

Германия наشري эътироф этишича, Ўзбекистон учун имконсиздек бўлиб туюлган янги тараққиёт йўлидаги гоёлар, йирик лойиҳалар ва максимал кўп ўтмай, ҳаётда ўз аксини топа бошлади. Янги давлат раҳбари ўз олдида қўйган мақсадларни босқичма-босқич амалга оширмоқда.

“Президентнинг йиллик Мурожаатномаси одамларга бўлажак ўзгаришлар босқичларини кўрсатиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Давлат раҳбарининг катта ислохотлар йўлида ўзи билан бирга барча раҳбарлар ва фуқаро-

ларни ҳам фаолликка чорлаши мамлакатда янги тараққиёт оҳангини ўрнатди”, дея мақолани давом эттиради муаллиф.

Шунингдек, Ўзбекистон қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни йўлга қўйгани, кўп йиллар давомида бахсли бўлиб келган муаммолар — чегара ҳудудлар, сув ва бошқа масалаларга оқилона ечим топилгани, пировардида, дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистонда катта ўзгаришлар рўй бераётганига ишончи ортгани ҳақида сўз боради.

Муаллифнинг таъкидига, 2017 йил Самарқандда БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича халқаро конференция ҳам янги Ўзбекистон ўзини халқаро майдонда танитган тадбир бўлди.

Мақолада мамлакатда жадал ва тизимли ислохотлар Европа Иттифоқи томонидан ҳам илқ кутиб олингани,

пировардида, халқаро ташкилотнинг Ўзбекистон ва у орқали Марказий Осиё давлатларига бўлган қизиқиши ортгани мисоллар билан келтириб ўтилган. “Ўзбекистон тобора минтақанинг маркази ва юрагига айланмоқда”, дейди муаллиф. Мақолада Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил январь ойидаги Германияга расмий ташрифи, шу йил май ойида эса Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайернинг мамлакатимизга жавоб таъшири чоида эришилган келишувлар ва унинг тарихий аҳамияти ҳақида ҳам сўз боради. Ҳар икки таъширф мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги даврига йўл очди.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёев ва Федерал канцлер Ангела Меркелнинг жорий йил 12 март кuni бўлиб ўтган видеоанжуман шаклидаги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассислари, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

зарур ҳолларда, ходимларнинг штатдаги белгиланган умумий сони доирасида Туризм ва спорт вазирлиги марказий аппарати, шунингдек, тизим ташкилотлари тузилмасига ўзгартиришлар киритиш;

Туризм ва спорт вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) бўлиmlлари тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки: Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари ҳамда маслаҳатчилари лавозимлари тегишлигича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари этиб қайта номланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимларининг туризм, спорт, маданият, маданий мерос ва оммавий коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида тегишлича туризм ва спорт бош бошқармаларининг раҳбарлари ҳисобланади;

Маданий мерос агентлиги директори, туризм ва спорт вазирлигининг маслаҳатчилари (хорижий маслаҳатчилардан ташқари) ҳамда аппарат бошқарувчиси мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра, туризм ва спорт вазирлигининг ўринбосарларига тенглаштирилади;

Туризм ва спорт вазирлигига ишга қабул қилиш Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири томонидан тегишли давлат органлари томонидан илгари амалга оширилган келишувларни инобатга олган ҳолда, мустақил амалга оширилади;

Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низом тасдиқлангунга қадар, Туризм ва спорт вазирлиги ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан тўланадиган тўловлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сон қарори билан тасдиқланган Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга асосан амалга оширилади;

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қув-

ватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта номланади. Бунда, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг бюджетдан ташқари “Спорт” махсус ҳисоб рақами маблағлари Жамғармага тўлиқ ўтказилади;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлиmlлари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаси этиб Давлат бюджети маблағлари, вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар эса унинг фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари ҳисобланади;

Жамғарма маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Туризм ва спорт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlлари, шунингдек, тизим ташкилотлари ходимларини қўшимча рағбатлантиришга йўналтирилади.

Мазкур банднинг учинчи хатбошида кўрсатилган лавозимларга номзодлар Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири тақдимномасига асосан белгиланган тартибда тайинланиши ва лавозимдан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

6. Молия вазирлиги ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Туризм ва спорт вазирлиги харажатлари учун асосланган ҳисоб-китоблар бўйича 2021 йилги Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағ ажратсин ва 2022 йилдан бошлаб зарур бюджет маблағларини қўзда тутсин.

Туризм ва спорт вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Давлат бюджетининг 2021 йил учун тасдиқланган бюджет параметрларига ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиш бўйича қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

муассиси Туризм ва спорт вазирлиги ҳисобланган корхоналар ва ташкилотлар (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) иштиёрида солиқлар ва йиғимлар тўланганидан кейин қоладиган соф фойданинг бир қисми;

хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорларга мувофиқ давлат мулки объектларини реализация қилишдан тушадиган тегишли маблағлар;

давлат ташкилотларининг мол-мулкни (кўчмас мулк бундан мустасно) сотишдан тушган маблағларнинг 50 фоизи;

давлат ташкилотларининг мол-мулкни ижарага беришдан тушган бюджетга йўналтирилётган маблағларнинг 50 фоизи;

давлат ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва спорт вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда Давлат бюджети маблағларининг, талон-тарож, растраталар, камомадлар суммаларининг 50 фоизи;

давлат ташкилотлари фаолиятини текшириш натижалари бўйича Туризм ва спорт вазирлигининг ички аудит хизматлари томонидан аниқланган ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар

даромадига ундирилган ноқонуний сарфланган бюджет маблағлари, талон-тарож, растраталар, камомадлар суммалари;

давлат ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига тушадиган маблағларнинг 10 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини жойлаштиришдан олинмаган даромадлар;

туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишдан тушадиган маблағлар;

юрidik ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг ҳомийлик хайриялари;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий давлатларнинг грантлари ва техник қўмаклашиш маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар.

8. Туризм ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб моддий маданий мерос объектларини консервациялаш, реставрация қилиш, тузатиш, таъмирлаш, илмий ва илмий-техник тадқиқ этиш, лойиҳалаш бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва ушбу соҳага етакчи мутахассисларни жалб қилиш мақсадида:

Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида маданий мерос объектларини асраш факультетларини ташкил қилиш;

Бухоро архитектура ва қурилиш коллежида Маданий мерос объектларини асраш йўналишини ташкил қилиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

9. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти этиб қайта номлансин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги уч ой муддатда:

“Спорт медиа маркази” давлат унитар корхонасини “Миллий PR маркази” давлат унитар корхонасига;

“Сертификатлаштириш ва компьютерлаштириш маркази” давлат унитар корхонасини “Туризм хизматларини сертификатлаш маркази” давлат унитар корхонасига;

Сув спорт турларини ривожлантириш Республика маркази ҳамда Сув спорт турлари бўйича Республика олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабини Сув спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабига қўшиш чораларини кўрсин.

11. Туризм ва спорт вазирлиги таъсисчилигида “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси ташкил этилсин.

Бунда, “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси штат бирикклари Сув спорт тур-

ларини ривожлантириш Республика маркази ҳамда Сув спорт турлари бўйича Республика олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби бошқарув ходимларининг 14 та штат бириклигини қисқартириш ҳисобига шакллантирилади.

12. Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги Туризм ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда спорт соҳасида букмекерлик фаолиятини ташкил этиш орқали спортни қўшимча молиялаштириш тизимини кенгайтириш бўйича Хукумат қарори лойиҳасини икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги:

а) бир ой муддатда: вазирлиқнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлиmlларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, юқлатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдириши;

вазирлик таркибий ва қуйи бўлиmlлари тўғрисидаги низомлар (уставлар), шунингдек, ходимларнинг лавозим йўриқномалари тасдиқлашини таъминласин;

б) уч ой муддатда тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига:

вазирлик бўлиmlлари ва бошқа ваколатли органларнинг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқ белгилаган ҳолда, шунингдек, давлат бошқаруви ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан ҳамкорлигининг механизмларини назарда тутувчи Туризм ва спорт вазирлиги тўғрисидаги низомни;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин.

14. Туризм ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Маданий мерос агентлиги 2021 йил давомида моддий маданий мерос объектлари, музей, спорт мажмуалари ва бошқа намоий объектларида электрон тўлов, турникет (лазер-датчикли) ва видео қайд қилиш мосламаларини ўрнатишни, кириш билетларини олдиндан сотиб олишни назарда тутувчи ягона марказлашган электрон тизимни жорий этсин. Бунда электрон тизимни яратиш, ишга тушириш ва техник қўллаб-қувватлаш Жамғарма ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Туризм ва спорт вазирлиги:

икки ой муддатда ягона марказлашган электрон тизимга 2021 йилда интеграция қилиниши лозим бўлган объектлар рўйхатини шакллантирсин ва уларда жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 6 апрель

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛАНАДИ

УШБУ МАСКАНДА БУЮК МАТЕМАТИК
ИЗДОШЛАРИ ТАҲСИЛ ОЛАДИ



Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг математика ва физика фанларини мактабларда чуқур ўргатиш ва айти пайтда иқтидорли болалар учун алоҳида мактаб-интернатлар ташкил қилиш борасидаги топшириқларига биноан Хоразм вилояти Шовот туманида ал-Хоразмий номидаги Халқаро физика-математика мактаб-интернати ташкил қилинди.

45 йилдан бери фаолият юритиб, етук кадрлар тайёрлаб келаётган тумандаги мактаб-интернати негизда ташкил этилган Халқаро мактаб-интернат фойдаланишга топширилди.

Тантанали тадбирда Хоразм вилояти ҳокими Ф.Эрманов, халқ таълими вазири Ш.Шерматов, адлия вазири Р.Давлетов ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўтган йили Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи вақтида тилга олиб ўтилган ушбу мактаб негизда Халқаро мактаб-интернати ташкил қилингани, орадан бир йил ўтиб ушбу замонавий, инновацион таълим даргоҳи педагоглар жамоаси ва ўқувчиларга тантанали равишда топширилгани таълимдаги ислохотларнинг юксак намунаси эканини таъкидлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоиз, деярли ярим асрдан буён фаолият юритиб келган мактабда вилоят туманларидан танлов асосида ўқишга қабул қилинган ёшлар амалий фанлардан чуқур сабоқ олган. Мазкур даргоҳ ўқувчилари нафақат республика, балки халқаро фан олимпиадаларида ҳам юқори ўринларни қўлга киритган.

Бундан ташқари, ўтган даврда мазкур даргоҳни битирган ўқувчилардан 105 нафари илм-фан йўналишида фан доктори ва фан номзоди даражасига эришган. Улар орасидан сенаторлар, вазирлар, банк соҳасининг етук мутахассислари, ҳокимлар ҳам етишиб чиққан.

Замонавий услубда қайта қурилиб, жиҳозланган билим даргоҳида математика ва физика фанини чуқур ўқитиш, илмий изланишлар олиб бориш учун барча шароитлар яратилган. Ажабмаски, янги билим даргоҳида таҳсил олаётган ёшлар орасидан буюк математик Мухаммад ал-Хоразмий каби жаҳон тан олган алломалар етишиб чиқса!

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ОҲАНГАРОН ШАҲРИДАГИ
МАКТАБЛАРГА КИТОБ, МЕБЕЛЬ ВА
КОМПЬЮТЕР ЖИҲОЗЛАРИ СОВҒА
ҚИЛИНДИ



Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги ходимлари Оҳангарон шаҳридаги қатор маҳаллалардаги мактабларда бўлди.

“Янгилик”, “Охунбобоев”, “Мустақиллик”, “Бирлик”, “Намуна” ва “Навбахор” маҳаллалар аҳолиси иштирокида учрашувлар ўтказилиб, қатор мактабларга ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги илмий ва бадий адабиётлар тақдим этилди. Ушбу китоблар “Мактабга китоб совға қилин!” акцияси доирасида Ташқи ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва чет элдаги дипломатик ваколатхоналар ходимлари томонидан тақдим этилган.

Шунингдек, мактабларга офис мебелли ва компьютер жамланмалари ҳам топширилди.

Акцияда қатнашган Оҳангарон шаҳри ҳокими Акром Эшонкулов китоблар ва совғалар учун миннатдорлик билдирди. Ташқи ишлар вазирлигидан “Дунё” ААга маълум қилишларича, “маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида Оҳангаронда бундай тадбирлар мунтазам равишда ўтказилади. Вазирлик шаҳардаги ўқув муассасалари ва бошқа маҳаллалар ўқувчиларига ҳам ёрдам кўрсатишни режалаштирган.

“Дунё” АА

“ИЖРО ИНТИЗОМИ” — ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИДА МУҲИМ ВАЗИФА

Шахсий масъулият, темир интизом, касбий ғурур ва профессионал маҳорат — ижро интизомининг мустаҳкам пойдеворидир

Бошланиши 1-бетда

Ушбу ҳужжат билан ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда ягона ва узлуксиз “технологик занжирни” ташкил қилиш бўйича давлат бошқаруви органлари раҳбарлари шахсан эътибор қаратиши лозим бўлган **устувор вазифалар** белгилаб берилди.

Шунингдек, “Янги Ўзбекистон” газетасида эълон қилинган Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси Р.В.Абдуқодиров билан суҳбатда келтирилган фикр ва мулоҳазалар Президентимизнинг давлат органлари ишини янги ташкил қилиш борасидаги мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини англаб етиш ҳамда уларни амалиётга жорий этишда **дастуриламал** бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур Фармон ҳамда газетада чоп этилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, Давлат солиқ хизмати органларидаги **ҳар бир раҳбар ходим ижро интизомини янада мустаҳкамлаш бўйича қўйидаги устувор йўналишларни ўзига белгилаб олди:**

Биринчидан, топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишини **шахсан ташкил этиш**, топшириқни ўринбосарга шунчаки йўналтирмасдан, мавжуд масалани ўрганган ҳолда унинг оптимал ечимлари бўйича тақлиф қилиниши;

Иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда **унинг реал ҳолатини танқидий ўрганиш**, фойдаланилмаган имкониятларга алоҳида эътибор қаратиш; **Учинчидан**, ҳужжатларни юқори даражада **иктисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш**, ҳорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида тақлифлар ишлаб чиқиш;

Тўртинчидан, топшириқларда **аниқ меҳанизмлар, муддатлар ва масъуллар белгиланишини таъминлаш** ҳамда тизимга ахборот технологияларни кенг жорий қилиш орқали иш самарадорлигини ошириш;

Бешинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг **моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали** кенг жамоатчиликка тушултириб бориш.

Бугунги давлат сиёсатининг талаби шуни тақозо этадики, лавозимидан қатъий назар, **ҳар бир раҳбар қоғоз билан эмас**, балки **юзга келган муаммо ёки вазифа билан ишлаши**, ҳар бир ҳужжатни ишлаб чиқишда жойига чиққан ҳолда ўрганиши, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг фикрларини тинглаши ҳамда мавжуд ресурсларни таҳлил қилиши лозим.

Бундай иш юритиш услубининг тўғрилиги Дехнобод туманида писта ва ковракчиликни ривожлантириш бўйича ҳуқумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқишимиз жараёнида яна бир марта тасдиғини топди. **Аҳоли билан учрашувлар ва жойига чиққан ҳолда ишларнинг реал ҳолатини таҳлил қилганимиздан сўнг**, “хонада” ёзилган ҳужжатга тузатишлар киритиб, плантациялар яратиш концепциясини ҳақиқий ҳолатдан келиб чиқиб тубдан ўзгартирдик.

Ишончим комилки, бундай ишлаш услуби ишлаб чиқалаётган ҳужжатлар сифатини ва келгусида уларни амалга ошириш имкониятларини сезиларли даражада оширади.

ФАРМОН ИЖРОСИ БҲИЧА БИРИНЧИ ГАЛДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Президентимизнинг мазкур Фармони Давлат солиқ кўмитаси Ҳайъатининг 2021 йил 15 февралдаги кенгайтирилган мажлисида ўрганиб чиқилди ва Фармон талаблари сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишининг таъсирчан механизмини яратиш бўйича барча даражадаги раҳбарларнинг **шахсий жавобгарлигини кучайтириш** юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Ҳайъат қарори билан **“Давлат солиқ хизмати органларида қонун ҳужжатлари ва топшириқларнинг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил этиш тартиби”** ҳамда **“Давлат солиқ кўмитасида ишларни ташкил қилиш ва ижро интизомини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”** тасдиқланди.



Давлат солиқ кўмитасига келиб тушаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича **ҳар ҳафтанинг душанба кунлари — мустақил тузилмалар раҳбарлари, чоршанба кунлари — раис ўринбосарлари ва жума кунлари — кўмита раиси томонидан шахсан масъул ижрочилар** билан муҳокама ўтказиш тизими йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш жараёнидаги ёндашув тўлиқ қайта кўриб чиқилди. Энди таркибий тузилмалар томонидан киритилаётган тақлифларнинг мавжуд имкониятларга мувофиқлиги ҳудудларни ривожлантириш ҳамда иктисодиёт соҳаларини таҳлил қилиш тузилмалари томонидан жойларга чиққан ҳолда ўрганилади. Шундан сўнг, методология ва юридик хизмат тузилмалари томонидан лойиҳанинг Солиқ кодексига ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари нормаларига мувофиқлиги бўйича ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ҳамда стратегик режалаштириш тузилмаси томонидан халқаро тажрибалар ўрганилган ҳолда тегишли тузилмалар билан биргаликда иктисодий ва молиявий таҳлиллар тайёрлаб берилади.

Мазкур жараёнлар ўтказилганидан сўнг фикр ва мулоҳазаларни тўплаш мақсадида матбуот хизмати томонидан лойиҳа билан режалаштирилаётган ўзгаришлар ахборот воситалари орқали эълон қилинади ва шундан кейингина яқиний ҳужжат келишиш учун манфаатдор ташкилотларга юборилади.

Давлат солиқ кўмитасида ижро интизомини ушбу тартибда йўлга қўйиш мақсадида ҳар бир тузилмада масъул ижрочилар белгиланди ҳамда улар билан **зарурий тренинг ва семинарлар ўтказилди.**

ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН НАЗОРАТ ТИЗИМИ

Қабул қилинган Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг янги тизими жорий қилиниб, ижро интизоми устидан назоратни амалга оширувчи органлар сони ва уларнинг ваколатлари оширилган.

Эндиликда, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида ҳамда сифатли ижро этилиши бўйича назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлиги томонидан **“Ijro.gov.uz”** тизими орқали олиб борилади.

Мазкур тизим орқали назоратга олинган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар идора ва ташкилотларнинг раҳбариятига ва масъул ижрочиларига етказилади ҳамда уларнинг кейинги ҳолати назорат қилиб борилади.

Таъкидлаш жоизки, давлат солиқ хизмати органларида ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида **2015 йилдаёқ** иш юритишнинг ички жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилиб, “Электрон ҳужжат алмашиш” тизими жорий этилган.

Мазкур тизим орқали қонунчилик ҳужжатлари, Президент ва Ҳукумат топшириқларидан тортиб барча ички идоравий ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилади ҳамда масъул раҳ-

барлар томонидан топшириқнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уларни **максимал қисқа фурсатда ва натижавий бажариш тўғрисида резолюция қўйилган ҳолда** ижрочиға йўналтириш имконияти яратилган.

Бундан ташқари, ушбу автоматлаштирилган тизим орқали солиқ органларида ҳужжатларни қоғоз шаклида келишиш ва имзоланган амалиётга тўлиқ чек қўйилган. Шу билан бирга, электрон рақамли имзо калитидан фойдаланган ҳолда, **маҳсус мобил илова** орқали ижрога келган ҳужжатларни кўриб чиқиш, ижрога қаратиш ва назоратдан чиқариш имконияти яратилган бўлиб, бу кўмитада иш юритишнинг сезиларли даражада тезлаштиришга имкон берди.

Энг аҳамиятлиси, ҳар бир ҳужжат ва топшириқ мазкур тизим орқали **қисқа фурсатда** масъул ижрочиларга етказиб берилади ва топшириқ ижросининг реал ҳолати кузатиб борилади.

Шунингдек, Давлат солиқ кўмитасида барча ҳужжатлар ва топшириқлар **“Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари”, “юқори ташкилот топшириқлари”, “фуқаролар мурожаати”, “ички фармойиш”** каби тоифалар бўйича алоҳида назоратга олинган ҳолда юритилади.

Топшириқлар ижроси бўйича Давлат солиқ кўмитасининг ташкилий назорат тузилмаси томонидан горизонтал ва ҳар бир тузилма томонидан унинг энг қўйи ҳудудий бўлинмасига қадар вертикал тартибдаги назорат тизими йўлга қўйилган.

Бундай тизим раҳбар ходимларнинг **шахсий масъулияти ва ҳисобдорлигини ошириш**, мураккаб шароитларда вазифанинг тўлиқ ва сифатли адо этилишини назорат қилиб бориш имконини беради.

КАДРЛАР САВИЯСИ — ИЖРО НАТИЖАДОРЛИГИ ГАРОВИ

Ижро интизомини мустаҳкамлашда тизимдаги **ҳар бир ходимнинг масъулиятини ошириш, қатъий интизом ўрнатиш, уларда касбий ғурур, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик ва ҳалоллик хиссини уйғотиш муҳим аҳамият касб этади.**

Шу сабабли, Давлат солиқ кўмитасида масъул ижрочилар томонидан **қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг сифатли бажарилишини назорат қилиш бўйича қўйидаги 5 та мезон белгилаб олинди:**

Биринчи — аниқлик, яъни ҳар бир вазифани муваффақиятли ва энг мақбул йўл билан ижро қилиш бўйича аниқ механизмлар белгилаб олинганлиги;

Иккинчи — теъкорлик, яъни топшириқнинг белгиланган муддатини кутмасдан теъкорлик билан бажарилганлиги ёки ижро муддати бир неча бор узайтирилганлиги, шу жумладан, муддатлар асоссиз узайтирилганлиги;

Учинчи — ҳаққонийлик, яъни топшириқ ижроси натижалари бўйича тайёрланган маълумотларнинг амалда бажарилган ишлар билан ўзаро мувофиқлиги;

Тўртинчи — тўлиқлик, яъни топшириқ ижросини таъминлаш натижасида қўзланган мақсадга тўлиқ эришилганлиги;

Бешинчи — масъулиятчилик, яъни юклатилган вазифа ижросини ўз вақтида

ва сифатли таъминлаш борасида масъул ижрочилар томонидан ўз ваколати доирасида барча чоралар қўрилганлиги.

Шунингдек, ижрочи ходимларнинг **шахсий масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш**, юклатилган вазифани ўз вақтида ва сифатли бажарган ходимларни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш мақсадида, Жаҳон банки экспертлари билан бирга **ходимлар иш фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг (KPI) автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш бўйича ишлар жадваллаштирилди.**

Ушбу тизим орқали **ҳар бир ижро ҳужжатининг белгиланган мезонлар асосидаги баҳолаш кўрсаткичлари бўйича ижрочи ходимлар рағбатлантирилади** ёки **интизомий жазо** чоралари қўрилади.

Бу борада мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб жамоани бошқаришнинг замонавий усулларидан фойдаланиш ва ижрочилар фаолиятини асоссиз танқид қилишга чек қўйиш лозимлиги барча раҳбарларга тушултирилди.

Давлат солиқ хизмати органларида ижро интизомига масъул бўлган ходимларнинг билим ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, жорий йил 3 март куни Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабида Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги ПФ — 6166-сон Фармони мазмун-моҳияти ҳамда ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан ўтказилган ўқув-амалий семинарда Давлат солиқ кўмитаси марказий аппаратининг ижро интизоми бўйича масъул бўлган ходимларнинг иштироки таъминланди.

Ушбу семинарда муҳокама қилинган масалалар ҳамда тавсия этилган янги иш услублари асосида жорий йил 10 март куни ҳудудий давлат солиқ хизмати органларининг ижро интизоми бўйича масъул ходимлари билан масофавий семинар ўтказилди.

Самарадорликка эришининг яна бир муҳим омили, бу — ходимларни қонунчиликда белгиланган муддатлардан ташқари вақтларда ишга жалб этмаслик.

Давлат солиқ хизмати органларида ходимларнинг ишга келиб-кеетиши маъмурий бинога кириш ва чиқиш вақтини қайд қилишнинг электрон тизими орқали назорат қилинади. Бунда ходимларнинг белгиланган иш соатларидан ортиқча вақт ишда қолиши, уларга юклатилган вазифани ўз вақтида бажара олмаслиги сифатида баҳоланади.

БИЗНЕС-ПРОЦЕССЛАРНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТЕЪКОР ИЖРО ТИЗИМИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ

Давлат солиқ хизмати органларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнларини автоматлаштириш орқали соҳада инсон ресурсларидан унумли фойдаланилишига ҳамда топшириқларни теъкорлик билан бажарилишига эришилмоқда.

Хусусан, солиқ органларини “хизмат кўрсатувчи” юқори технологияли ташкилотга трансформация қилишни давом эттириш мақсадида 2020 йилнинг иккинчи ярмида бир қанча янги ахборот тизимлари амалиётга жорий этилди.

Жумладан, алкоголь ва тамаки маҳсулот-



лари ишлаб чиқарувчи, улгуржи ва чакана савдони амалга оширувчи барча ҳўжалик субъектларида рақамли маркировкалаш орқали маҳсулотларни қўзатиб бориш тизими жорий этилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўзаро иқтисодий занжирни яратиш мақсадида **товар (хизмат)ларнинг ягона электрон миллий каталогини** яратиш ишлари жадал давом этмоқда.

Солиқ тўловчилар учун Давлат солиқ кўмитасининг Электрон солиқ хизматлари порталида 45 та интерактив ва электрон хизматлар ҳамда пандемия даврида 20 га яқин хизматлардан таркиб топан “SOLIQ” мобил иловаси жорий қилинган.

Солиқ тўловчилар солиққа оид зарур ҳужжатларни олиш, бизнесни юритиш ва ўз солиқ мажбуриятларини бажаришда мазкур хизматлардан фаол фойдаланиб келмоқда. Жумладан, 2020 йил давомида “Солиқ тўловчининг шахсий кабинети”га қарийб 30 миллион маротаба мурожаат қилинган.

Шунингдек, ўтган йилда жисмоний шахслар томонидан **1.6 триллион сўмлик декларация**, мол-мулк ва ер солиқлари электрон тўлов тизимлари орқали бюджетга ўтказилди. Бу 2019 йилга нисбатан 20 фоизга ортиқ демакдир.

Ушбу имкониятлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун солиққа оид масалаларни масофадан туриб хал қилиш имконини беради.

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ — РАҲБАРЛАР НАЗОРАТИДА

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, давлат солиқ хизмати органларида фуқаролар мурожаатлари “Электрон ҳужжат алмашиш” тизими орқали “Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат”, “Давлат солиқ кўмитаси раисининг виртуал қабулхонасига мурожаат”, “Ишонч телефони орқали мурожаат” каби тоифаларга ажратилган ҳолда ижрочиларга теъкорлик билан етказилади.

Шунингдек, давлат солиқ хизмати органларида ташкил этилган мурожаатлар ижроси бўйича масъул бўлинма томонидан ҳар бир мурожаат солиқ органига келиб тушганидан то унда келтирилган масала хал этилгунча қадар назорат қилиб борилади.

Шу билан бирга, муаллиф “Солиқ тўловчининг шахсий кабинети” орқали электрон кўринишда юрган мурожаатининг ижро этилиши ҳолатини қўзатиб бориши имконияти яратилган.

Бундан ташқари, Давлат солиқ кўмитасида ижтимоий тармоқлар (**facebook, telegram**) орқали фуқаролар томонидан юборилаётган мурожаатлар, кенг жамоатчилик томонидан муҳокама этилаётган солиққа оид мунозарали масалаларни теъкорлик билан кўриб чиқиш ҳам тизимли йўлга қўйилган.

Бунинг учун, масъул ходимлар **“24/7” форматда** ижтимоий тармоқларни қўзатиб борадилар ва солиқ органларига тегишли ҳар қандай маълумот пайдо бўлганда, дарҳол жавобини тайёрлаш учун ижрочиға етказадилар. Шу тарзда 2020 йилнинг 2-ярмида ижтимоий тармоқлардаги **642 та шарҳга** теъкор, узоғи билан 2-3 соатда муносабат билдирилди. **Жорий қилинган ушбу тизимга мувофиқ ҳар бир мурожаат шахсан менинг назоратим остида.**

Энг муҳими, Давлат солиқ кўмитасида мурожаатларга нафақат теъкор жавоб берилди, балки кўп тақорланувчи саволларни таҳлил қилган ҳолда солиқ органларининг тегишли бизнес-жараёнлари такомиллаштириб борилиши йўлга қўйилган.

Мен бунинг ишонч билан айта оламаники, давлат солиқ хизмати органлари ходимлари ҳар бир мурожаат, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг замирида инсон тақдирини ўтишини ҳис эта олади.

Давлат солиқ кўмитаси жамоаси ижро этувчи орган сифатида топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши муҳимлигини тўлиқ ҳис этган ҳолда мазкур йўналишда мустаҳкам ижро интизомини жорий қилиш борасида мунтазам иш олиб боради.

ОММАВИЙ САЙЁР ҚАБУЛ



Кейинги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти замирида халқимизнинг бугунидан рози бўлиб яшаш госяси ўрин олган. Шу боис, одамларнинг дарду ташвишлари ва муаммоларини ўрганиб, ижобий ҳал этиш масаласи ҳозирги кунда ҳар бир давлат органи зиммасидаги муҳим вазифа саналади. Шу мақсадда Президент Администрацияси, Президент Халқ қабулхоналари, Олий суд, Судьялар олий кенгаши, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитаси раҳбар ходимлари иштирокида жойларда оммавий қабуллар ташкил этилмоқда. Ана шундай оммавий қабуллар Самарқанд вилоятида суд-ҳуқуқ масалалари юзасидан ўтказилди.

ЙИЛЛАБ ЙИГИЛГАН МУАММОЛАР ҚИСҚА ФУРСАТЛАРДА ҲАЛ ЭТИЛЯПТИ

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

— Тадбир давомида жами 2232 нафар фуқаронинг мурожаати қабул қилинди, — дейди Самарқанд вилоят суди жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўйича бош консультанти Садриддин Набиев. — Уларнинг 687 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 608 та мурожаат ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали ҳал қилинди. 896 та мурожаат ижро учун назоратга олинди. Ушбу оммавий сайёр суд жараёнларида 145 нафар судланувчи Жиноят кодексининг 73-моддаси тартибидан муҳлатидан олдин шартли равишда озод қилинди. 24 нафар судланувчига нисбатан тайинланган жазо турлари Жиноят кодексининг 74-моддаси тартибидан энгилроғига алмаштирилди.

Шу маънода айтганда, мамлакатимизда қонун устувор, жиноятга жазо муқаррар. Ҳар қим қилмишига яраша жазосини олиши аниқ. Бироқ қилмишининг оқибатини англаб етган, пушаймон бўлган, ўзига хулоса чиқарган шахсларга ҳуқуқимиз энгиллаштирилиб, озодликка чиқарилиши, бутунлай қутулиб кетди, дегани эмас. Бу имкониятдан оқилона фойдаланиб, ҳаётини тўғри йўлга солиб, оиласи билан тинч яшаш учун берилган қулай фурсат. Лекин бу яхшиликни, бағрикенгликни суистеъмол қилишга йўл қўйилмайди.

Жумладан, сайёр қабул доирасида ишчи гуруҳ томонидан жазонини ўтаётган фуқаролар учун ҳам қабул ўтказилди. 70 нафар маҳкум қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканини, жиноятга яраша жазосини олганини, ўзига тегишли хулоса чиқарганини баён қилди. Жазонини ўташ даврида тузалаш йўлига ўтиб, тартиб-интизомга қатъий риоя қилганини, намунали хулқ-атвори билан ишончли оқлаганини таъкидлаб мурожаат қилди. Бу мурожаатларнинг ҳар бири батафсил ўрганиб чиқилди.

Масалан, Тайлоқ тумани “Ғўлба” МФИда яшовчи Ф.Ҳикматов, У. Давронов, “Богичинор” МФИда яшовчи А. Абдумумино, “Жалолобод” МФИда истиқомат қилувчи Н.Негматов содир қилган ҳуқуқбузарлиги учун транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилганини, транспорт воситасини бошқариш орқали рўзгор тебратиши, бугунги кунда оиласининг моддий аҳволи қийинлашиб қолганини билдирди. Қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, тегишли хулоса чиқарганини билдириб, жазонини ўташдан муҳлатидан илгари шартли озод қилишни сўраб мурожаат қилди. Уларнинг мурожаатлари ўрганиб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича судлари томонидан 2021 йилнинг январь-март ойлари мобайнида 5 нафар шахсга нисбатан 3 та жиноят иши бўйича оқлов ҳукми чиқарилиб, ҳуқуқлари тикланган.

Жумладан, 2010 йилда Ургут туман прокуратурасида терговчи лавозимда фаолият юритган Отабек Махидов қутлимгадан адолатсизликка учраб, ноҳақликнинг аччиқ таъминоти татиб кўрди. Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми “а”, “в” бандлари билан айбланиб, уч йил мансабдорлик ва моддий жавобгар-

лик лавозимларида ишлаш муайян ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Собиқ терговчи ўзининг асоссиз судлангани ҳақида важралари келтириб, ўтган йили Олий судга шикоят билан мурожаат қилди, шунингдек, Олий суд раисининг қабулида бўлди. Унинг мурожаати ўрганиб чиқилиб, Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди кассация инстанциясининг яқинда бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида унга қўйилган айбловлар тасдиқланмади ва у оқланди.

Шунингдек, қабул чоғида Самарқанд туманидаги “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ешлар дафтари”га киритилган, эҳтиёжманд оилаларнинг бир гуруҳига маҳаллий курсатилди. Мурожаатим сайёр суд мажлисида батафсил ўрганиб чиқилиб, шартли равишда жазодан озод қилинди.

Оммавий сайёр қабулнинг ҳар бир кунлари юқори савияда ўтди.

Натижада сайёр суд мажлиси ўтказилиб, С.Ҳошимовнинг ўталмай қолган 6 ойлик жазоси тугатилиб, шартли равишда озод қилинди. Бундан ташқари, бир неча йил олдин Р.Суёнова ҳам билиб-билмай кўнгилдан пушаймонман. Сайёр судда қилган жиноятимга яраша жазо олганим ва бундан ўзимга тегишли хулоса чиқарганим эътиборга олинди. Менга жуда катта имконият берилди, яъни инсонпарварлик курсатилди. Мурожаатим сайёр суд мажлисида батафсил ўрганиб чиқилиб, шартли равишда жазодан озод қилинди.

Оммавий қабуллар чоғида фуқаролардан меҳнат қонунчилиги оид ҳуқуқлари бузилаётгани тўғрисида

масиға ҳужжатлар тақдим қилганида улар аттестация хулосаларини сўрашган. Бозор Жонузоков ишлаган ташкилотга бориб шу ҳужжатларни сўраб ололмади. Натижада нисбатан кам миқдордаги пенсияга чиқди.

Оммавий сайёр қабулга келган Бозор Жонузоков депода оғир ва зарарли вазифаларда ишлаганлиги фактини белгилаб беришни сўраб мурожаат қилди ва ҳужжатларини тақдим этди.

Шу ернинг ўзиде фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг сайёр суд мажлиси ўтказилиб, унинг мурожаати батафсил кўриб чиқилди. Судда Б. Жонузоковнинг аризаси қаноатлантирилиб, унинг меҳнат шароити оғир ва зарарли ишларда ишлаганлиги факти тасдиқланди.

Дарҳақиқат, Самарқанд вилоятида ўтказилган оммавий қабуллар доирасида суд мажлислари ҳам ташкил қилинди. Хусусан, Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясида Умида Юлдашеванинг иши кўриб чиқилди. Иш ҳужжатларига кўра, у ўзи иккарада яшаб келган уйдан хонадон эгасига тегишли бўлган пулларни ўғирлаган ва бунинг учун судланиб 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Бу хатосини тўғри англаб етган Умида Юлдашева етказилган зарарни қопланганини билдириб, судга апелляция тартибиде шикоят киритган. Суд унинг ишини кўриб чиқиб, мажбур шикоятчи қаноатлантириди ҳамда маҳкуманинг жазосини қамқоб билан боғлиқ бўлмаган жазога алмаштирди.

Булунгурлик Гулнора Ниёзулова-нинг маълум қилишича, унинг қизлик фамилияси Хонимқуллова бўлган. Турмушга чиққач, турмуш ўртоғининг фамилиясига ўтиб Ниёзуловага алмаштирилган. Бир умр қишлоқ хўжалигида ишлаган онахоннинг ҳужжатларида ширкат хўжалиги мутасаддиларининг айби билан бир жойда Хонимқуллова, яна бир жойда Ниёзулова деб ёзилди келинган.

— Пенсияга чиқиш пайтида ҳужжатларимни тақдим қилганимда, чалкашликлар ва унинг ортидан муаммолар пайдо бўлди, — дейди Гулнора опа. — Ўзим излаб топаё десам, ширкат хўжаликлари тугатилиб кетган. Кўп сарсончиликларим бошимдан ўтказдим. “Бор отанга — бор онанга”, дейишди. Ҳайриятки, оммавий сайёр қабулга келиб мурожаат қилганим. Ахйир, бу муаммага ҳам чек қўйиладиغان бўлди.

Шунингдек, булунгурлик Рустам Хидиров, Гулнеҳра Аҳмедова ҳам ҳужжатларда исми ва фамилияси нотўғри ёзилганини сабабли пенсияга чиқишда муаммоларга дуч келганини баён қилди. Улар исми ва фамилияси нотўғри ёзилган иш ҳақи ҳақидаги ҳужжатларни ўзларига тегишлилигини тасдиқлаб беришни сўрашди. Шу ернинг ўзиде фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судининг сайёр суд мажлиси ўтказилди. Суд фуқароларнинг мурожаатларини ва ҳужжатларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, аризаларни қаноатлантирди.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий қабуллар жараёнида вилоят фуқароларининг ҳар бир мурожаати тингланиб, йиллаб йиғилиб қолган муаммолар ўрганилиб, тез фурсатда ҳал этилишига эришилмоқда.

ОНА ТИЛИМ — ОЛТИН САНДИГИМ



Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети кафедра мудири, филология фанлари доктори,
Ботир ЭЛОВ,
университет кафедра мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Тил маънавий меросни сақлаш ва бойитишнинг асосий воситасидир. Шу боис, у миллат борлиги қадар эъзозланади. Она тилни асраб-авайлаш миллий маънавиятнинг, миллатни сақлаб қолиш демокдир. Зеро, асл маънавий фақат миллий шаклидагина мавжуд бўлади. Бугунги ахборотлашган асрда тилни қандай сақлаб қолиш мумкин? Қандай қилиб ўзбек тилини дунё тиллари қаторида ўринлатиш мумкин? Жавоби битта: табиий тилни рақамлаштириш ва шу асосда миллий тил корпусини яратиш лозим.

ЎЗБЕК ТИЛИ МИЛЛИЙ КОРПУСИ — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС МЕВАСИ

Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси бу борада муҳим ҳужжат ҳисобланади. Бунда давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш устувор йўналишида ўзбек тилига оид барча илмий, назарий ва амалий маълумотларни ўзида жамлаган электрон кўришдаги ўзбек тили миллий корпусини яратиш ва ўзбек тилини интернет жаҳон ахборот тармоғида омдалаштириш, унда муносиб ўрин эгаллашини таъминлаш вазифалари кўрсатиб берилиши мутахассисларга катта масъулият юклатди.

Кўп йиллик талаб ва эҳтиёж асосида она тилимизни авайлаб-асраш, бойитиш, ундан амалий фойдаланиш самардорлигини ошириш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетида фидойи олимлар ташаббуси билан ўзбек тили миллий корпуси яратилишига эришилди. Бу борада университет раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши, ижодий шароит ва техник имкониятлар эшигини очиб бергани алоҳида эътиборга молик. “Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш” номли амалий лойиҳа замирида таълим корпусининг яратилиши соҳа фидойилари учун кенг имкониятлар тақдим этди.

Ўзбек тили миллий корпусини яратиш мақсадида шу кунга қадар 10 га яқин илмий иш Ҳимоя қилинди. Бугунги кунда бу борада компьютер ва корпус тилшунослиги ва амалий тилшунослиги соҳаларини ривожлантириш, миллий корпус ва бошқа тур тил корпусларини яратиш мақсадида магистрик диссертациялари, фалсафа доктори (PhD) ва фан докторлиги (Dsc) бўйича илмий тадқиқот ишлари бажарилмоқда. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, сифатли тадқиқотларнинг амалий натижаси сифатида Миллий тил корпуси нишонга берди. Ушбу масъулиятли ва сермашаққат жараёнда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети, Термиз давлат университети, Навоий давлат педагогика институтини каби олий таълим муассасаларидаги 100 га яқин мутахассиснинг бирдам меҳнат қилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. ТошДУГА мутахассислари бирлаштирилди олди, уларни бир мақсад йўлида жамлади.

Миллий тил корпуси — миллий тил бирликларининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида электрон қидирув имконияти мавжуд тизим, табиий тилнинг рақамлашган ёзма ва оғзаки матнлари жамланмаси. Миллий корпус — тилни тадқиқ этиш (тил бирлигининг ўзгариши, эскириши, янгиларининг пайдо бўлиши, маъносининг кенгайиши ва тарайиши, янги ибораларнинг пайдо бўлишини кузатиш), ўрганиш, аънавий ва замонавий лугатлар тузишда кенг имкониятли дастурлаштирилган тизим. Шу боис, Миллий корпус миллий тил хазинаси демокдир. Корпусдаги миллий сўзи нафақат тилнинг, балки корпус тузилиши ва таркибининг ҳам ўзига хослигини аниқлатади. Миллий корпуснинг бошқа тур тил корпусларидан фарқи унинг мажмуавийлик табиати — у таълимий корпус, муаллифлик корпуси, поэтик матнлар корпуси, илмий ва расмий мат-

лар корпуси, оғзаки матнлар, бадий матнлар ва газеталар ҳамда диалектлар корпуси каби ички корпусларни ўз тарихига қамраб олган. Шу боис, миллий корпусни яратишда катта жамоа фаолияти зарур.

Миллий корпусдан лингвистлар, лексикографлар, компьютер лингвистлари, дастурчилар, муҳаррирлар, таржимонлар, журналистлар, ноширлар, олимлар, ўқитувчилар, таълим олувчилар ва бошқа ҳар қандай соҳа мутахассиси кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Асримизда корпусиз на назарий, на амалий филология тараққий этади.

Фойдаланишда деярли касбий табақаларга ишчи ва ўрганиш борасида тил корпуслари барча фан соҳаси вакилларини бирдай қизиқтириши табиий. Айниқса, она тил ва чет тилларни ўқитиш ва ўрганиш борасида тил корпусларининг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда дунё миқёсида тил ўргатиш тизими корпусларга йўналтирилаётгани ҳам фикримизнинг далили. Шунинг учун таълим корпуслари, шева матнлари корпуслари, муаллифлик корпуслари, поэтик матнлар корпуслари, оғзаки, илмий, расмий тил корпуслари, газета матнлари корпуслари каби қатор микрокорпусларнинг тузилаётгани аҳамиятли.

Ўзбек тили миллий корпусининг илк шакли интерфейс, қидирув тизими, 2 миллионга яқин сўз шакли, 100 миңдан ортиқ матн базаси ва 20 та электрон лугат манбасидан иборат. Шунингдек, ўзбек тили миллий корпуси сайтининг биринчи саҳифасида корпус ва унинг тузувчилари ҳақида асосий маълумот, ўнг томондаги менюда исталган саҳифага ўтиш имконияти мавжуд. Корпус менюси тўрт қисмдан ташкил толган. Бош саҳифа, сайтининг қидирув ойнаси, матн ҳақида унга бириктирилган қўшимча маълумот иловаси, қидирув учун тил бирликларига оғзақ ёзиш параметрлари, электрон лексикографик манбалар тавасифи, охириги блок корпус тузувчилари жамоаси, фойдаланилган дастур, матнларнинг муаллифлик ҳуқуқи ҳақида тўлиқ маълумотлар базасидан иборат.

Тил корпуслари — тил бўйича тадқиқот ва амалий топшириқлар ечим учун зарур иш қуроли. У оддий электрон кутубхонадан фарқланади. Электрон кутубхонанинг мақсади — халқнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи бадий ва публицистик асарларни нисбатан тўлиқ қамраб олиш. Электрон кутубхона матнлари тил нуқтаи назаридан ишлов берилмагани сабабли тадқиқотлар учун ноқулайлик туғдиради. Чунки электрон кутубхона илмий тадқиқот материални таъйёрлаш мақсадида тузишмайди, балки миллий-маънавий меросни тўплашни мақсад қилган бўлади. Тил корпуси эса электрон кутубхонадан фарқли ўлароқ, тилни ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун зарур, фойдаланиш ва қизиқарли матнларни тўплашни назарда тутди.

Тил тадқиқи ҳаётдан узилиб қолмаслиги учун мунтазам равишда матнлар базаси янгиланиб бориладиган корпусга таяниш мақсада мувофиқ. Шу боис, корпус лингвистика лабораториясини ташкил этиб, доимий экспертлар жамоаси фаолиятини йўлга қўйиш билан Миллий корпуснинг тараққий этиши ва манбалари бойиб боришига замин яратилди.

Миллий тил корпуси она тилимизнинг жаҳонга оз тугишига эришиш, миллий маънавийни такомиллаштириш ва юксалтиришнинг ҳам асосий воситаларидан биридир.

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН

ВИҚОР

Президентимиз маънавият масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида “Ўн бешинчи асрда Соҳибқирон Амир Темур асос солган ва унинг муносиб авлодлари давом эттирган мухташам салтанат юртимизда иккинчи Уйғонши, яъни иккинчи Ренессанс даврини бошлаб берди”, деб таъкидлади.

“Темур” ҳодисаси ўн беш кам 700 йилдан бери тарих чархпалагида айланади. Гарчи, Ер жойида турган бўлса-да, тузумлар-гутумлар неча бор ўзгарди ва шахсга муносабат ҳам минг бора турланди. Гапнинг сирасини айтганда, тарих галадониди Соҳибқирон Амир Темурдек турли нуқталардан баҳо берилган зот кам бўлса керак.



Ҳақим САТТОРИЙ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

Бу ҳолнинг қатор сабаблари бор. Аввало, турлича қарашларнинг билдирилиши қонуний ҳол, тараққиёт (тирикликни таъминлаб турган ҳаракат)нинг табиати шун талаб қилади. Яъни ривожланиш қарама-қарши кутбларнинг ўзаро кураши — иккига бўлиниб олиб, бир-бирига қарши “жанг”и оқибатида юзага келар экан, бир масалага ҳам-манинг бир хил қараши мумкин эмас. Ватандошимиз Амир Темурга муносабатда эса инсон табиғатига хос жуда кўп омиллар мужассамлашган. Аввало, шахс зиддиятининг боиси — фаолият зиддиятларга тўла маконда кечганидан. Ушанда ҳам ватан зўлим исқандариди эди: қарийб бир ярим асрлик истило ҳамма нарсанинг одатдаги ўзини бузиб юборган ва қарор топган азалий қадриятлар бир қанча қолдирилган тазийки ичида яшарди, миллат ўзлигини, қиёфасини йўқотганди.

Иккинчи омил эса бевосита Соҳибқироннинг маслағи билан боғлиқ. “Темур тузуқлари”да бундай қайд этилади: “Дилимининг машириқдан кўтарилган биринчи тузуми ҳар ерда ва ҳар қачон ислом динига ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг шариатларига ривож бериш бўлди”. Демак, эътиқод байроғига қадами етган жойда мусулмончиликни жорий этман, деган широзилан фидойининг ҳам ҳаракатлари бир хил кутиб олинмаслиги, қаршилиқка учраши ва бу ҳолнинг оқовалари узоқ давом этиши оддий ҳақиқат.

Учинчи бир сабаб шундан иборатки, буюк бобомиз от сурган, қўл остидаги ҳудудлар масофа жиҳатидангина эмас, тарихи, маънавияти, аҳолиси, удумлар — умуман, бутун борлиги билан бир қолига ситмасди ва бундай бепоёнликда ҳаммани бир дунёқарашда, ягона фикрлаш тарзида ушлаб туриш ҳам имкондан ташқарида эди.

Темурбекка кўплаб ҳукмдорларда бўлганидек, салтанат мулк сифатида отадан мерос бўлиб ўтмади. Балки Яратганнинг инояти туфайли ўзининг жидду жаҳди, ғайрати билан ҳаммасига эришди. У бир туғ остида шунчалик катта ҳудудни қовуштира олдики (тарихчилар Амир Темур империяси ўша пайтдаги 27 давлатни бирлаштирганини қайд этади. Бугунги ҳолатга разм солинса, бу давлатлар сони 40 га яқинлашиб қолади), ўша йиллари кўҳна ва ҳаммаша навқирон Самарқанд деярли ер юзининг бош кентига айланди. Бу улуг салтанат инсоният тарихидаги энг буюк империялардан бири бўлиб қолди.

Яна эътироф этиладиган томони — бу иттифоқ кучга, зулмага асосланмаган эди (мамлакат яхлитлигини таъминлаш учун уюштирилган ҳарбий ҳаракатлар истисно қилинади), балки халқларнинг Соҳибқирон панохиди, унинг қаноти ва марҳамати остида тараққий этиб, тўқ, фаровон яшаш хоҳишидан юзага келган яхлит давлат эди. Амир Темур ва темурийлар даврида иқтисодиёт ривожлангани, илм-фан, санъат-маданият гуллаб-яшнаганини бугунги синчилар ҳам тасдиқлайди ва бу давр чинакамига инсоният тамаддунидаги иккинчи Ренессанс деб баҳоланган. Ушанда санъат ва адабиётда, хусусан, меъморчиликда етти юз йилдан кейин ҳам етиб бўлмайдиган ютуқлар қўлга киритилганди. Натига шунчалик бетимсолки, сирини очмаган, яъни ҳозирги тараққиёт босқичида кашф қилина олмаётган мўъжизалар (олайлиқ, буюқларнинг таркиби) ҳамон мавжуд.

Ҳа, бу силсила бир шахс фаолиятидан юксалиб, жаҳоншумул қўлама касб эди. Соҳибқирон Амир Темур авлодларининг шаън-шавкатини кўз олдин-



гизга келтиринг! Ер юзининг исталган нуқтасида, исталган миллатига шундай толе насиб этса, умидли дунёда яшаётган ҳар қандай инсон зоти ўз қавмидан, яъни инсонлигидан фахрланади. Афсуски, бу ютуқларга зулм билан, куч билан эришиб бўлмасди. Амир Темур асослаган ўша тутум — “Куч — адолатда!” ширини бир зум амалдан қолмади, кўздан фаромуш бўлмади. Бу салтанат Жануби-шарқий Осиёда Бобурийлар тимсолди қандай буюк мўъжизалар яратди! Бу юксалиқнинг пойдеворини, шубҳасиз, Амир Темур қўйганди.

Амир Темур ҳиммати туфайли бирон замиф зўравондан жабр кўрмаганини, ҳеч кимга ҳеч қачон адолатсизлик

қилинмаганини таъкидлаш лозим. Ана шундай адолат туфайли минглаб-миллионлаб оддий одамлар қалбиди Соҳибқиронга нисбатан меҳр уйғонди ва бу меҳр буюк ислохотларга куч берди. Улкан қурилишлар ана шундай меҳр туфайли амалга оширилди. Ахир пурвиқор тоғларнинг, жаннат боғларининг ҳам рашиқни кўзгайдиган иморатлар ўз-ўзидан барпо бўлиб қолмади. Агар одамларнинг ихтиёри ва меҳрли ҳаракати бўлмаса, пойдеворни тиклаш ҳам осон кечмайди. Ҳолбуки, Шаҳрисабздаги Оксаройни тиклаш ишлари йигирма беш йил давом этган ва унга эллик мингга яқин одам сафарбар қилинган. Яқинда қозғигонлик қардошларимиз бир далилни маълум қилди.



ТЕМУРБЕККА КЎПЛАБ ҲУКМДОРЛАРДА БЎЛГАНИДЕК, САЛТАНАТ МУЛК СИФАТИДА ОТАДАН МЕРОС БЎЛИБ ЎТМАДИ. БАЛКИ ЯРАТГАННИНГ ИНОЯТИ ТУФАЙЛИ ЎЗИНИНГ ЖИДДУ ЖАҲДИ, ҒАЙРАТИ БИЛАН ҲАММАСИГА ЭРИШДИ. У БИР ТУҒ ОСТИДА ШУНЧАЛИК КАТТА ҲУДУДНИ ҚОВУШТИРА ОЛДИКИ (ТАРИХЧИЛАР АМИР ТЕМУР ИМПЕРИЯСИ ЎША ПАЙТДАГИ 27 ДАВЛАТНИ БИРЛАШТИРГАНИНИ ҚАЙД ЭТАДИ. БУГУНГИ ҲОЛАТГА РАЗМ СОЛИНСА, БУ ДАВЛАТЛАР СОНИ 40 ГА ЯҚИНЛАШИБ ҚОЛАДИ), ЎША ЙИЛЛАРИ КЎҲНА ВА ҲАМИША НАВҚИРОН САМАРҚАНД ДЕЯРЛИ ЕР ЮЗИНИНГ БОШ КЕНТИГА АЙЛАНДИ. БУ УЛУҒ САЛТАНАТ ИНСОНИЯТ ТАРИХИДАГИ ЭНГ БУЮК ИМПЕРИЯЛАРДАН БИРИ БЎЛИБ ҚОЛДИ.

Туркистон шаҳридаги Аҳмад Яссавий мақбарасининг гишлари учун қирқ қақиримлар наридаги Соброн деган тепалиқнинг тупроғи маълум қўрилади: тупроқ халқона тилда айтганда, “мойли”, лойи ширали, ундан энг пишиқ гишт чиқади. Шу жойда тайёрланган гишлар қўлма-қўл қурилиш майдонига етказилган.

Бугунги мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, бу юмушнинг амалга ошириш учун ўттиз беш минг одам талаб қилинар экан. Агар гишт узатувчиларнинг дам олиб ишлаши ҳисобга олинса, икки барабар, яъни етмиш минг одам жалб қилиниши лозим экан.

Ижтимоий тармоқларда Амир Темур шахсига нисбатан баъзан турли асоссиз, ҳатто бўхтон фикр-мулоҳазалар билдирилаётганига бепарво қараб бўлмайди. Чунки ўртада ёшларнинг дунёқарши, тарбияси масаласи турлибди. Нотўғри тасаввурга борганларга миллий ифтихор, ўз ўтмишидан фахрланиш, шу орқали ватанпарварлик туйғусини синдириш осон кечадими? Бундай ҳоллар қўшимча муаммолар туғдирамайдими? Гап шу ҳақда кетар экан, бу борада бепарволикка берилиш жоиз эмас. Дунё тан олган, биз яшаб турган ҳудудларда от сурган буюк зотнинг тарихини бутун борлигича навқирон авлодга етказиш катталар зиммасидики қарзидир.

Битта умумий ҳолат: ҳеч ким Амир Темурни илоҳийлаштирмоқчи эмас. Буюк зотнинг борлиги, кўркем жамоли ҳар қандай даражадаги мадҳиябозликка муҳтож эмас. Истисно ҳолат шундаки, пўлат қувурни қайириш учун унинг ички тузилмаларини синдирадиган, ундан кучли қудрат лозим бўлганидек, тошни ёриш учун унинг зичлигини кесадиған босим билан таъсир этиш шарт бўлганидек, бобомиз галабаларини таъминлашда катта куч билан ҳаракат қилган ва бу ҳол баъзан кескин ҳолатларни юзага келтирган бўлиши мумкин. Ахир “ғалаба қурбонсиз бўлмади” ва яна “ғолиблар суд қилинмади”, дейишади. Бугунги шароитда Соҳибқирон бобомизнинг буй-басти шундай юксалиқ кашф этгани, уни эмас, унинг талъатига солиштириб, бошқаларни баҳолаш адолатли бўларди. Ким маърифат билан тўйинган бўлса, бу ҳақиқатни эътироф этади, ким жаҳолат чангалида ёки аламзада бўлса, инкор этаверади.

Бизнинг мозий ҳазинамизда дунёдаги ҳар қандай халқ озуқа қиладиган бойлиқлар бор! Ўз тарихи билан қизиқмаган, унинг шонли саҳифаларидан баҳраманд бўлиб, вужудига фахр-ифтихор ҳис этмаган, қилмигидан виқор тўймаган киши бошини бир умр ердан кўтарга олмади. Мағрур юришга, боболар шон-шавкатидан виқор ҳис этиб яшашга нима етсин!

БУГУННИНГ ГАПИ

ЯХШИ СЎЗ, ЯХШИ АМАЛ,
ЯХШИ ХУЛҚ ВА МАЪРИФАТ

КОМИЛ ИНСОНДА КАМОЛГА ЕТГАН БЎЛАДИ

Равшанбек МАҲМУДОВ,
Гулистон давлат университети
профессори

Маънавият — жамиятнинг юраги. Жамиятнинг тараққиёти унинг ҳаракатлантирувчи кучига боғлиқ. Ҳаракатлантирувчи куч эса бу — халқ. Халқнинг тафаккурини, дунёқарашини ўстирмасдан, ўзгартирмасдан, маърифатни юқори поғонага кўтармай туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкин эмас.

Президентимиз 2021 йил 26 март куни имзолаган “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорда маънавий-маърифий ишларнинг самараси ва таъсирчанлигини ошириш, қўлама ва миқёсини янада кўйтириш, мамлакат аҳолиси, аввало, ёшлар қалбиди

амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, жамиятда соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни, умуммиллий ҳаракатга айлантириш ҳамда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш, ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш, маънавий-ахлоқий мезонлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг устуворлигига эришиш каби ўта долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, мамлакат тараққиёти ёшларга боғлиқ. Уларни ақл-идроқли, билимли, ориятли, дид-фаросатли қилиб тарбиялашимиз шарт. Бу борада, аввало, оила масъулдир. Кўпинча ота-оналар мана шу масъулиятни ва унга жавобгарликни мактабга юқлайди. Ҳолбуки, мактабнинг биринчи галдаги вазифаси — болага билим бериш. Боланинг шахс сифатида шаклланиши эса оила билан боғлиқ.

Бугунги давр оила олдидаги вазифаларни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, давр инсон турмуш тарзини янгилаш, ўзгариши ҳам тақозо этмоқда. Ана шу янги турмуш тарзини шакллантиришда ҳам маънавиятнинг роли беқиёсдир. Зеро, халқимиз қадимдан ўз билими, эътиқоди, мардлиги, ватанпарварлиги, оилапарварлиги билан бутун

дунёга ўрнак бўлиб келган. Оиланинг муқаддас дароғ эканига ҳам айнан биз гоят жиддий қараймиз.

Қуръони каримда “Фарзандлар — жаннат райҳонларидир”, дейилган. Уларни комил инсон қилиб тарбиялаш эса эр-хотиннинг зиммасидаги фарзидир. Шунингдек, Ислом таълимотида оила, фарзанд тарбияси, одамлар ўртасида иззат-хурмат муҳим эканлиги кўрсатиб ўтилган. Мутафаккир Шайх Азизиддин Насафий: “Комил инсонда тўрт нарса камолга етган бўлади: яъни яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат”, деган эди. Айтиш мумкин бўлса, бу тўрт фарзни болага, аввало, ота-она ўргатиши керак. Айни жиҳатларга юксак эътибор қаратган оилалар зиёли, маънавиятли саналади. Улар том маънода жамиятнинг таянчи, негизи ҳисобланади.

Қарорда 2021-2023 йилларда маънавият ва маърифат масканларини барпо этиш вазифаси белгиланган. Ҳар бир туман, қишлоқ марказларида бундай масканларни бунёд этиш орқали ёшларнинг дунёқарашини ўзгариб, уларда миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини оширишга эришилади.

Шу билан бирга, ҳар бир маҳалла гузари, ташкилотлар биноларида “Маънавият ва маърифат” хоналари ташкил этилса, бу хонада

Президентимиз асарлари, “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Китоб дунёси”, “Хуррият”, “Ишонч” каби газеталар ва “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт”, “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” каби журналлар мавжуд бўлса, ташриф буюрган фуқаро ёки ишчи-хизматчи ушбу зиё масканидан яхшилик, эзгулик, инсонийлик нурларидан баҳраманд ҳолда чиқади.

Шунингдек, қарорда 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимининг тегишли таълим йўналишлари ўқув режаларига бакалаврият босқичида “Маънавиятшунослик”, магистратура босқичида “Касбий маънавият” фанлари киритилиши кўрсатиб ўтилган. Агар бу топшириқ тўқис ижро қилинса, бўлажак мутахассисларимизнинг маънавияти янада юксалади, деб умид қиламиз.

Умумий қилиб айтганда, Президентимизнинг “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”, деган фалсафий фикри мамлакатимиздаги барча раҳбарларни, айниқса, зиёлиларни янада ҳушёр торттирди. Демак, жамиятда маъ-



навиятнинг роли, аҳамияти беқиёс даражада юксак экан, уни шакллантириш нафақат боғча, мактаб, коллеж, лицей, олий ўқув юрталари олдидаги вазифа, балки бутун инсоният зиммасидики масъулият ҳамдир. Буни барча бирдек ҳис қилиши лозим. Шундангина эртазимиз эгаларини маънан баркамол этиб тарбиялашдек олий мақсадга эришамиз.

Юқоридаги қарор эса Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишга хизмат қиладиган энг муҳим ҳужжатдир. Унинг барча бандларини виждонан бажариш ва мазмун-моҳиятини халққа етказиш бурчимиздир.

“Янги Ўзбекистон” ва
“Правда востока” газеталари
тахририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим Дониёров

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1181.
79778 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Өфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоסי келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳир: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Бакиров

Манзилимиз:
100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 00:05
Топширилди — 00:50